

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗИЕВА НИЛУФАР ШУХРАТ ҚИЗИ

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УЎК: 336:658(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Файзиева Нилуфар Шухрат кизи

Давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш механизмларини
такомиллаштириш.....

Файзиева Нилуфар Шухрат кизи

Совершенствование механизмов финансирования предприятий с
государственным участием.....

Fayzieva Nilufar Shukhrat kizi

Improving financing mechanisms of enterprises with state
participation.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗИЕВА НИЛУФАР ШУХРАТ ҚИЗИ

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2019.2.PhD/Iqt1079 рақам билан руйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tsue.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот – таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Худойкулов Садирдин Каримович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тошмуродова Бувсара Эгамовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Гадоев Сухроб Жумакулович
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 03/10/12.2019.1.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51; e-mail: info@tsue.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан руйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51; e-mail: info@tsue.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «_____» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

М.П. Эшов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Н.Ш. Хажимуратов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобал беқарорлик шароитида, стратегик аҳмиятдаги тартибга солишнинг асосий дастакларидан бири сифатида давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш самарадорлигини ошириш чоралари кучайиб бормоқда. Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига кўра, “охирги ўн йилликда жаҳон мамлакатларида давлат ва унинг иштирокидаги корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ошди, дунёдаги йирик компанияларда уларнинг активлари ҳажми 45 трлн. АҚШ долларидан ошиб, жами корхоналар активларининг йигирма фоизини ташкил этади”¹. АҚШ, Франция, Буюк Британия, Италия каби давлатлар амалиётида ўтган асрнинг 70-80 йилларида, шунингдек, 2007-2008 йиллардан бошлаб юзага келган жаҳон молиявий инқирози давридан тортиб бугунги даврда ҳам давлатнинг иқтисодиётдаги улушини кучайтириб бориш сиёсати мавжудлиги кузатилмоқда. Айрим ҳолларда давлат банклар, суғурта компаниялари сингари йирик молиявий институтлар, ер ости бойликларни қазिश ва қайта ишлаш саноати, нефть, кимё, фармокология, темир йўл, почта каби соҳа ва тармоқларни ўз назоратида қолдиришга интилса, бошқа ҳолатларда давлат молиявий активларини киритиш жараёни кучайиб бормоқда.

Жаҳон иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши асосларини, жумладан, давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш жараёнларини янада такомиллаштириш борасида тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштиришнинг самарали манбаларини татбиқ этиш, молиявий манбалардан самарали фойдаланиш даражасини баҳолаш, услубиётини такомиллаштириш, ҳар бир йўналишдаги молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, давлат корхоналарини молиялаштиришда хусусий сектор иштирокини таъминлаш, давлат-хусусий шериклиги механизмларидан фойдаланишни кенгайтириш, молиялаштириш жараёнлари ҳамда бюджет маблағларидан фойдаланиш шаффофлигини таъминлашда рақамли технологиялар ва платформаларни жорий этиш кабилар бу борадаги устувор тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини самарали молиялаштириш механизмларини таъминлашга йўналтирилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлат корхоналари молиявий фаолиятини ва молиявий бошқарувни амалга оширишни такомиллаштириш, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини жорий қилиш, корпоратив тузилмаларда дивиденд сиёсати самарадорлигини ошириш, корхоналарни молиявий соғломлаштириш бу борадаги муҳим йўналишлардан ҳисобланади. “Устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, иқтисодиётда давлат иштирокини асосланган даражагача

¹ <https://www.imf.org/ru/publications/fm/issues/2020/04/06/fiscal-monitor-april-2020>

қисқартириш ва инвестиция мухитини тубдан яхшилаш”² борасида қатор вазифалар белгилаб берилди. Мазкур вазифаларни изчил ва самарали амалга оширилиши давлат унитар корхоналарини хўжалик жамиятларига ўзгартириш жараёнидаги ташкилий-молиявий муаммоларни бартараф этиш, корхоналарни трансформациялашув жараёни самарадорлигини таъминлаш, акциядорлик жамиятларида «мувофиқлик тизими» (комплаенс) хизмати ташкил этиш, давлат корхоналари ҳамда тегишли юридик шахслар томонидан ўз соф фойдасидан давлат бюджетига тегишли равишда ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисоблаш тартибини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар амалга оширилишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сон “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сон “Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2015 йил 28 июлдаги 207-сон “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат иштирокидаги корхоналарда молиялаштириш муаммолари билан боғлиқ илмий тадқиқотлар кўпгина хорижлик олимлар, жумладан, Акмаева Р., Ансофф И., Балабанов И.Т., Баринов В.А., Харченко В., Бланк И.А., Боди Э., Большаков С.В., Боумэн К., Бочаров В.В., Брейли Р., Ван Хорн Ж., Виханский О.С., Глухов В.В., Жарковская Е.П., Ковалев А.И., Ковалев В.В., Коласс Б., Кравченко К.,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон

Крейнина М.Н., Мескон М., Шим Ж. К., Сигел Ж.Г. томонидан амалга оширилган³. Хусусан, Ван Хорн Ж. ва Балабанов И.Т. томонидан корхоналарда, шу жумладан, давлат корхоналарида молиявий бошқарувнинг тамойиллари ва функцияларини қўллаш масалалари ёритилган бўлса, В.В.Глухов, К.Кравченко, М.Месконларнинг илмий тадқиқотларида давлат иштирокидаги корхоналарда пул фондларини бошқариш, И.А.Бланк ва А.И.Ковалевларнинг илмий тадқиқотларида давлат корхоналарида молиялаштириш тамойиллари ҳамда давлатнинг ёндошиши қандай бўлиши масаласи кўриб чиқилган. Шунингдек, ўзбек олимларидан А.У.Бурханов давлат иштирокидаги корхоналарда молиявий барқарорликни таъминлашнинг омиллари ва уларда қўлланиладиган молиявий кўрсаткичларни ҳисоблашни такомиллаштириш борасида илмий иш олиб борган. Б.Э.Тошмуродова эса ўз тадқиқот ишида иқтисодий тартибга солишда давлат иштирокидаги корхоналарда мавжуд бўлган молиявий сиёсат ҳақида фикр юритган, С.Э.Элмирзаев тадқиқот ишида давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив молиялаштириш механизмлари борасидаги илмий изланишларни амалга оширган⁴.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодий университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-1 “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва прогнозлаштирилишини

³ Акмаева Р. Менеджмент организаций на основе принятия новой управленческой парадигмы // Проблемы теории и практики управления . 2006. -№11.-С. 99-107., Ансофф И. Новая корпоративная стратегия. СПб. : ПитерКОМ, 1999. -416 с. - (Сер. «Теория и практика менеджмента»), Балабанов И. Т. Основы финансового менеджмента. Как управлять капиталом. М.: Финансы и статистика, 1995., Баринов В. А., Харченко В. Л. Стратегический менеджмент : учебник. М.: ИНФРА-М, 2006. - 237 с. - (Учебники для программы МВА), Бланк И. А. Концептуальные основы финансового менеджмента. Киев : Ника-центр : Эльга, 2003. - 448 с., Боди Э. Финансы : пер. с англ. / Э. Боди, Р. К. Мертон. М. : Вильямс, 2000. - 248 с., Большаков С. В. Финансовая политика государства и предприятия : курс лекций. М. : Книжный мир, 2002. - 210 с., Боумэн К. Основы стратегического менеджмента : пер. с англ. М. : Банки и биржи : ЮНИТИ, 1997. - 243 с., Бочаров В. В. Современный финансовый менеджмент. СПб. : Питер, 2006. - 464 с., Брейли Р. Принципы корпоративных финансов : пер. с англ. / Р. Брейли, С. М. Майерс. М.: Олимп-Бизнес, 1997. - 654 с., Ван Хорн Дж. Основы управления финансами : пер. с англ. М. : Финансы и статистика, 1996. - 433 с., Виханский О. С. Стратегическое управление : учебник. 2-е изд., перераб. и доп. - М. : Гардарики, 1999. - 356 с., Глухов В. В. Финансовый менеджмент / В. В. Глухов, Ю. М. Бахрамов. -СПб.: Спец. лит., 1995. 243 с. Гольдштейн Г. Я. Стратегические аспекты управления НИОКР. Таганрог : ТРТУ, 2000. - С. 244., Жарковская Е. П. Антикризисное управление : учебник / Е. П. Жарковская, В. Е. Бродский. М.: Омега-Л, 2004. - 336 с., Ковалев А. И. Анализ финансового состояния предприятия / А. И. Ковалев, В. П. Привалов. М.: Центр экономики и маркетинга, 2000., Ковалев В. В. Введение в финансовый менеджмент. М.: Финансы и статистика, 2005. - 768 с., Коласс Б. Управление финансовой деятельностью предприятия. Проблемы, концепции и методы : учеб. пособие : пер. с фр. / под ред. проф. Я. В. Соколова. -М.: Финансы : ЮНИТИ, 1997. 297 с., Кравченко К. Особенности управления крупными промышленными компаниями // Проблемы теории и практики управления. 2007. - № 11. - С. 25-30., Крейнина М. Н. Финансовый менеджмент. М. : Дело и сервис, 1998.258 с., Мескон М. Основы менеджмента : пер. с англ. / М. Мескон, М. Альберт, Ф. Хедоури. М. : Дело, 1995. - 701 с. Шим Дж. К., Сигел Дж. Г. Финансовый менеджмент. М.: Филинь, 1996. - 395с.

⁴ Бурханов А.У. Основные факторы, влияющие на финансовую устойчивость промышленных предприятий.//Экономика и финансы.-2009.-№2.- с.12-15.; Тошмуродова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодий бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 б. Элмирзаев С.Э. Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш масалалари. Монография. Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”, 2017.-159 б.

таъминлашнинг илмий-услугий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш” мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади давлат корхоналарини молиялаштиришнинг самарали механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштиришнинг назарий асосларини тадқиқ қилиш;

давлат тадбиркорлиги ва унинг асосий йўналишларини кўрсатиб бериш;

давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштиришнинг хориж тажрибасини ўрганиш ва унинг илғор тажрибаларини Ўзбекистон иқтисодиётида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш амалиётини таҳлил қилиш ва илмий хулосалар шакллантириш;

давлат иштирокидаги корхоналарда самардорликнинг муҳим кўрсаткичларини қўллаш механизмларини илмий таҳлил қилиш;

давлат иштирокидаги корхоналарида бизнес-режани шакллантириш ва унда молиялаштириш йўналишларини акс эттирилиш жараёнини ўрганиш;

давлат иштирокидаги корхоналарда молиялаштириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш;

давлат иштирокидаги корхоналарда молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш билан боғлиқ молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли таҳлил, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, қиёсий ва динамик таҳлил, таққослаш, умумлаштириш, статистик кузатиш, маълумотларни йиғиш ва гуруҳлаш, умумлаштириш кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

давлат объектларини “ноль” харид қийматида сотиш амалиётини бекор қилиш орқали давлат унитар корхоналарини хўжалик жамиятларига ўзгартириш жараёнидаги ташкилий-молиявий муаммоларни бартараф этиш ҳамда корхоналарнинг трансформациялашув жараёни самарадорлигини таъминлаш асосланган;

давлат иштирокидаги корхоналар томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштиришга ҳомийлик ва бошқа беғараз ёрдам учун юқори бошқарув ва ижро органлари ҳужжатларига асосан йўналтирилувчи маблағларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдоридан ортиқ қисмини давлат улуши бўйича дивидендлар сифатида тан олиш таклифи асосланган;

мамлакат иқтисодиёти учун устувор аҳамиятга эга, стратегик соҳаларга оид айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқини (олтин акцияни) бекор қилиш таклифи ишлаб чиқилган;

давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тегишли равишда ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланиш тартибини жорий қилиш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

давлат улушига эга акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларда молиялаштириш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида бу турдаги корхоналарда уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш, бунда “Асосий ва қўшимча самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари” ва “Самарадорликнинг йиғинди кўрсаткич”ларидан фойдаланиш ҳамда мазкур кўрсаткичлар асосида корхоналарнинг бошқарув, молиявий бошқарув самарадорлигига баҳо бериш асосида уларнинг молиявий фаолиятини тартибга солиш механизми кўрсатиб берилган;

давлат ва унинг улуши функциялари ва тартибга солувчи функцияларни ажратиш зарурлиги асослаб берилган;

давлат иштирокидаги корхоналарга нисбатан тижорат ва нотижорат мақсадларини белгилаш, уларнинг инвестиция лойиҳаларига давлат кафилигини беришдан босқичма-босқич воз кечиш таклифи ишлаб чиқилган;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг бозор шароитида самарали ишлашни таъминлашга қаратилган тижорат мақсадларини амалга оширувчи давлат иштирокидаги корхоналар ҳамда уларнинг активлари корхонанинг узоқ муддатли ривожланиши, дивидендлар тўланиши ва фаолиятдан барқарор фойдани таъминловчи бизнес-режа асосида бошқариш лозимлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг таҳлил жараёнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Давлат улушига эга корхоналарнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари шаклидаги расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асосланганлиги, келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, давлат иштирокидаги

корхоналарни молиялаштиришга оид қонун ва қонуности ҳужжатларни ишлаб чиқишда, махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш механизмларини ривожлантириш, давлат иштирокидаги корхоналар молиясига таъсир этувчи омилларнинг аҳамияти, давлат корхоналарини молиялаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни қўллаш ва такомиллаштиришга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини амалга оширишда илмий изланишнинг асосий қоида ва хулосаларидан фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар асосида:

давлат объектларини “ноль” харид қийматида сотиш амалиётини бекор қилиш орқали давлат унитар корхоналарини хўжалик жамиятларига ўзгартириш жараёнидаги ташкилий-молиявий муаммоларни бартараф этиш ҳамда корхоналарни трансформациялашув жараёни самарадорлигини таъминлаш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 16 майдаги 06/04-01-01-37/1596-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши натижасида давлат ва унинг иштирокидаги корхоналарда молиялаштириш механизмларини янада соддаштириш, уларда молиявий бошқарув самарадорлигига ошириш имкони яратилган;

давлат иштирокидаги корхоналар томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштиришга ҳомийлик ва бошқа беғараз ёрдам учун юқори бошқарув ва ижро органлари ҳужжатларига асосан йўналтириладиган маблағларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдоридан ортиқ қисмини давлат улуши бўйича дивидендлар сифатида тан олиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 166-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 16 майдаги 06/04-01-01-37/1596-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида давлат иштирокидаги корхоналарда молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш, уларда молиявий ресурсларни оқилона бошқариш, мазкур турдаги корхоналарда молиялаштириш тартибларини янада такомиллаштиришга эришилган;

мамлакат иқтисодиёти учун устувор аҳамиятга эга бўлган, стратегик соҳаларга оид айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқини (олтин акцияни) бекор қилиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги

“2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислох қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 166-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 16 майдаги 06/04-01-01-37/1596-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида республикада фаолият кўрсатаётган давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш ҳамда бу борадаги стратегик мақсадларни тўғри аниқлашнинг услубий асосини янада такомиллаштиришга эришилган;

давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан йил якуналари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тегишли равишда ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланиш тартибини жорий қилиш борасидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 16 майдаги 06/04-01-01-37/1596-сон маълумотномаси). Бу таклифнинг жорий қилиниши натижасида давлат иштирокидаги корхоналарда соф фойдани адолатли тақсимлаш, уларда дивиденд сиёсатини оптимал амалга ошириш, давлатнинг молиявий активларидан самарадорликни ошириш ҳамда давлат бюджетига кўшимча захира маблағларни жалб қилишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 4 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси натижалари бўйича жами 13 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5та мақола, жумладан 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 138 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, унда қўлланилган усуллар ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг апробацияси, эълон қилиниши ва таркибий тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “Давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштиришнинг илмий-назарий асослари” деб номланган биринчи бобида давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш асослари, давлат тадбиркорлиги ва унинг фаолиятини молиялаштириш билан узвий боғлиқлик масалалари илмий-назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришга оид назарияларга кўра, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви сақланиб қолади, аммо унинг улуши жуда кам доирада бўлиш керак, бироқ мулкчилик шакллари бўйича иқтисодий фаолият юритишда давлат мулкидаги корхоналар мавжудлиги ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий зарурат сифатида юзага чиқади.

Давлат корхоналари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари, ўз ташкилий-ҳуқуқий шакли жиҳатидан умумий тартибга эга бўлса-да, аммо уларнинг фаолиятини молиялаштириш ўзига хос тартибга эга бўлади, унинг молиявий манбалари, молиявий ресурсларининг ҳаракатланиши, маҳсулотлар таннархини аниқлаш, фойда нормаларини белгилаш, давлатнинг молиявий активлари сифатидаги қуйилмалардан олинган даромадлар, диведентларни тақсимлаш ҳамда тасарруф этиш жиҳатдан анча фарқ қилади. Давлат корхонаси ёки давлат улуши мавжуд корхоналарда ҳамда давлат унитар корхоналарида молиявий маблағларни тақсимлаш эса, хусусий корхоналар сингари фақатгина мулкдорнинг хоҳишига қараб эмас, балки қонунчиликка асосан молиявий натижалар фойдасини тақсимлаш тартибига боғлиқ бўлади, шу жиҳатдан, давлат ва хусусий мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг фарқланиши, асосий мақсади фойда олишга қаратилганлиги ва қаратилмаганлиги, иккинчидан, молиявий ресурсларни жалб этишда мулккий жавобгарлик ва ҳуқуқий ваколатлар мавжудлиги, учинчидан эса, якуний молиявий натижаларни тасарруф этиш (тақсимлаш) билан ўзаро фарқланади.

Ўз навбатида, давлат унитар корхоналарини молиялаштиришнинг манбалари сифатида ҳукумат томонидан берилган мулк ва маблағлар, корхона томонидан давлат буюртмасига кўра ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат, иш)ларни сотишдан тушган тушум, давлат ва бюджетдан ташқари фондлардан мақсадли ажратилган маблағлар, ишлаб чиқариш мақсадларида мустақил иқтисодий фаолиятдан олинган даромадларни кўрсатади.

Ҳар бир шаклдаги корхонани молиялаштириш жараёнида дастлабки ҳолатларда, яъни корхонанинг ташкил этилишида бирламчи молиявий маблағлар муҳим аҳамият касб этади. Бирламчи маблағлар деганда асосан унинг устав фонди минимал миқдорини шакллантириш бўйича молиявий маблағлар тушунилади




1-расм. Давлат ва унинг улушидаги корхоналарни молиялаштиришнинг ташкилий механизми⁵

Амалдаги қонунчиликка кўра, давлат корхонасининг устав фондига қўйилган минимал талаблар белгиланмаган, бироқ “Давлат корхонаси тўғрисида”ги низомга мувофиқ, Давлат корхонаси уставида корхона “устав фондининг минимал миқдори, уни шакллантириш тартиби ва манбалари, устав фондини кўпайтириш ва камайитириш тартиби, мулкни тасарруф этиш шартлари, даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби, захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиш тартиби”⁶ кўрсатиб ўтилиши белгиланган. Бу маблағлар давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш элементларининг юзага келишида муҳим ўрин тутди. Ваҳоланки, давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий ресурслари шаклланишида дастлабки молиявий маблағлар молиялаштириш механизмларининг ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади.

Давлат корхоналари ва унинг иштирокидаги корхоналарнинг молиявий маблағлари шаклланишида кредит ташкилотларидан жалб этилган кредит маблағлари, акциядорлик, масъулият чекланган жамиятлари томонидан қимматли қоғозларни сотиш орқали молиявий маблағлар, миллий иқтисодиёт учун ўта муҳим бўлган давлат корхоналари учун давлат (маҳаллий) бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли фондлардан мақсадли ажратилган маблағлар ҳамда ўз иқтисодий фаолияти якунлари бўйича олинган фойда муҳим аҳамият касб этади.

⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁶ “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Давлат корхоналари тўғрисида” ги низом <http://www.lex.uz/>.



2-расм. Давлат ва унинг улушидаги корхоналарни молиялаштириш элементлари⁷

Давлат ва унинг улушидаги корхоналарни молиялаштириш элементлари ҳам молиялаштириш механизмларида муҳим аҳамиятга эга. Бу элементларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, уларни молиявий жиҳатдан бошқариш корхонанинг асосий мақсадидан келиб чиқади. Агар корхонанинг асосий мақсади максимал фойда олишга қаратилган бўлса, у ҳолда бу молиялаштириш элементлари ҳам шунга мувофиқ бошқарилади ва молиялаштириш тартиби шунга мослаштирилади.

Юқорида таъкидлаганидек, давлат мулкига асосланган корхоналарда ҳам фойдага қаратилган мақсад ҳамisha ҳам устувор бўлмаслиги мумкин.

Давлат корхоналари ва унинг улушидаги корхоналарни молиялаштириш борасидаги юқорида назарий талқин қилинган ёндашувларнинг танқидий таҳлилидан келиб чиқиб, муаллиф ёндашуви ишлаб чиқилди. Муаллифнинг фикрича, “Давлат ва унинг иштирокидиги корхоналари молияси деганда корхонанинг бозор шароитида бир маромда фаолият юритиши, бозорда мавқеини сақлаб қолиши, унинг олдида қўйилган мақсадга эришиш мақсадида турли хил мажбурий ва ихтиёрий пул маблағларини ташкил қилиш, уларнинг маблағларини мақсадли ва манзилли сарфлаши, корхонада ишлаб чиқариш жараёнлари ва бошқарув харажатларини молиявий маблағлар

⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

билан таъминлаш, корхонада пул оқимларини оптимал бошқариш ҳамда кенг камровли молиявий бошқарув элементларининг мувофиқлигини таъминлашга қаратилган корхонанинг молиявий-иқтисодий фаолияти йиғиндисидир”.

“Давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш механизмлари таҳлили” номли иккинчи бобда давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш амалиёти таҳлил қилинган, бундай корхоналарнинг молиявий фаолиятида муҳим саналган молиявий бизнес режанинг бажарилиш ҳолати аниқ корхоналар мисолида кўриб чиқилган, шунингдек, давлат иштирокидаги корхоналарда молиявий муҳим самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг қўлланилиш ҳолати илмий ўрганилган ҳолда тегишли илмий хулосалар чиқарилган.

1-жадвал

Ўзбекистонда иқтисодиётда давлат ва унинг иштирокидиги корхоналарнинг мавқеи ҳолати⁸ (2022 йил 1 апрель ҳолатига)

№	Давлат ва унинг улуши мавжуд бўлган корхоналар тури	Давлат ва унинг улуши мавжуд корхоналар сони	Жами корхоналар ёки мос турдаги корхоналар сони	Жами корхоналар ёки мос турдаги корхоналар сонидagi улуши
1.	Давлат корхоналари	817	528929	0,15
2.	Давлат улушига эга корхоналар	2110	89 148	2,3
3.	Акциядорлик жамиятлари	226	640	25,3
4.	Масъулияти чекланган жамиятлар	1067	316 903	0,33

1-жадвал маълумотларига кўра, Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодиётдаги улуши жуда паст кўрсаткични ташкил қилади. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 2021–2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясида “устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, иқтисодиётда давлат иштирокини асосланган даражагача қисқартириш, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарининг етарли даражада асослантirmасдан ташкил этилиши, шунингдек, тегишли тармоқ ва соҳалардаги бошқа корхоналарга нисбатан эксклюзив имтиёз ва афзалликларга эга бўлишига йўл қўймаслик, давлат иштирокидаги корхоналарнинг бозор шароитларига тўлиқ ўтишини таъминлаш, уларнинг

⁸ Ўзбекистон давлат активларини бошқариш агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

фаолиятига корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини тўлақонли татбиқ этиш⁹” сингари мақсад ва вазифаларга мос келади.

2-жадвал

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг 2017-2021 йилларда молиявий жараёнида товар айланмаси таҳлили¹⁰ (млн. сўм)

№	Корхона номи	Давлат улуши (%)	Товар айланмаси				
			2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
1.	“Чирчиқ гўшт-сут савдо” МЧЖ	25,1	26 495,5	12 064,1	3 558,09	2 859,5	3 221,9
2.	“Учкўрғон ёғ-мой” АЖ	51,7	79 631,1	86 657,8	124976,0	188 038,3	53 271,2
3.	“Қарши ёғ экстракция” АЖ	51	77 209,2	71 916,1	43 202,3	45 687,8	43 668,1
4.	“Косон ёғ экстракция” АЖ	51	109048,0	124134,3	104059,4	85 942,2	43 152,7
5.	“Самарқандмармар” АЖ	6,9	1 137,3	1 434,1	1 247,50	892,0	3 629,0
6.	“Ипак йўли-Туризм инвест МЧЖ	39	28 747,9	58 186,9	76598,75	22 083,9	39 350,3
7.	“Янгиободузум сервис” МЧЖ	93,5	429,0	186,0	–	2 608,8	0,1
8.	“Иссиқликкуваттаъмир” МЧЖ	51,0	666,3	9 939,4	2408,18	681,1	5 892,1
9.	“Наманган тола текстил” МЧЖ	51	44 762,7	50 525,4	85 520,9	136 126,5	78 513,9
10.	“Кўкон суперфосфат заводи” АЖ	95,5	27 574,1	67 798,7	63023,26	3 965,1	117550,3
11.	“Фарғона гўшт-сут савдо” АЖ	25	29 359,1	13 664,8	397,11	300,6	586,2
12.	“Шохруд” АЖ	51	18 630,4	72 664,4	46 068,5	99 187,9	140 870,9
13.	“Иштихоншароб савдо” МЧЖ	100	16 902,3	69 656,9	92 077,2	43 664,7	11 921,1

Давлат иштирокидаги корхоналарда молиялаштиришда устав фонди маблағларида такрор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш орқали шакллантирилувчи маблағлар муҳим ўринга эга, бунда эса корхоналарнинг товар (хизмат, иш) айланмаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

2-жадвал маълумотида кўра, турли хил хўжалик юритиш шаклидаги ва давлат улуши турлича бўлган давлат иштирокидаги корхоналарнинг товар айланмасида таҳлил қилинаётган корхоналар кесимида беқарорлик мавжудлигини кузатиш мумкин. Жумладан, “Чирчиқ гўшт-сут савдо” МЧЖ, “Иштихоншароб савдо” МЧЖ, “Фарғона гўшт-сут савдо” АЖ, “Иссиқликкуваттаъмир” МЧЖ, “Косон ёғ экстракция” АЖ, “Янгиободузум-сервис” МЧЖда товар айланмаси бир маромда амалга оширилмаганлигини, бу эса оқибатда бундай корхоналарнинг молиявий натижалар ҳам беқарор

⁹ 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 2021 – 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислох қилиш стратегияси.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмий маълумотлари ва корхона(ташкilot)ларнинг молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

бўлишига олиб келган. Албатта бунга бир қатор сабаблар таъсир кўрсатган, аввало, бу бозорни сегментлаш жараёни етарлича ўрганилмаганлиги, товар истеъмолчиларининг молиявий ҳолати, қолаверса, сўнгги йилларда юз берган пандемия оқибатларида товарлар айланмаси камайишига олиб келган.

3-жадвал

“Когон ёғ экстракция заводи” АЖ бўйича 2021 йилда олинishi кўзда тутилган соф фойда ҳисоб-китоби таҳлили¹¹ (минг сўм)

Даромад ва харажатлар номи	Чорак				Йил
	I	II	III	IV	
Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум	112 359 530	37 453 177	17 541 960	72 603 995	239 958 661
Сотилган маҳсулот таннари	105 614 714	35 809 831	16 423 004	70 052 568	227 900 117
Ялпи даромад	6 744 816	1 643 345	1 118 956	2 551 427	12 058 544
Давр харажатлари	1 686 043	1 530 881	995 626	1 854 648	6 067 199
Бошқа даромадлар	0	0	0	0	0
Асосий фаолиятдан олинган фойда (зарар)	5 058 772	112 464	123 330	696 779	5 991 345
Молиявий фаолиятдан олинган даромад	52 000	52 000	52 000	52 000	208 000
Молиявий фаолият харажатлари	2 250 000	0	0	0	2 250 000
Солиқ тўлагунга қадар фойда	2 860 772	164 464	175 330	748 779	3 949 345
Фойда солиғи	429 116	24 670	26 299	112 317	592 402
Соф фойда	2 431 656	139 795	149 030	636 462	3 356 944

3-жадвалга кўра, “Когон ёғ экстракция заводи” АЖ 2021 йилда учун тузилган бизнес-режасида соф фойда ҳисоб-китоби чораклар кесимида маҳсулот сотишдан соф тушум ҳажми 239 958 661 минг сўм, соф фойда ҳажми эса, 3356944 минг сўм бўлиши режалаштирилган. Шунингдек, корхонанинг асосий фаолиятдан олинган фойдаси чораклар кесимида ўрганилса, унинг энг катта улуш биринчи чоракка тўғри келган бўлиб, унинг йиллик ҳажми 5 991 345 минг сўм ташкил этиши режалаштирилган. Бу эса, корхона фаолиятининг асосий молиявий кўрсаткичлари биринчи чоракда шаклланиб, корхоналар бизнес-режани шакллантиришда эса бу ҳолатни ҳисобга олиши лозим.

¹¹ “Когон ёғ экстракция заводи” АЖ молиявий кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Кучли томонлари	Заиф томонлари	Имкониятлари	Хавфли томонлари
Ишлаб чиқариш қуввати бўйича	Ишлаб чиқариш қуввати бўйича	Ишлаб чиқариш қуввати бўйича	Ишлаб чиқариш қуввати бўйича
Худудда ихтисослашуви бўйича монопол хусусиятига эга, давлат томонидан модернизация қилиш дастурларини амалга ошириш	Малакали кадрлар етишмаслиги, корхонанинг асосий фондларида эскириш улуши юқорилиги	Фойдани тақсимлашда ишлаб чиқариш қувватларини оширишга маблағ ажратиш имконияти мавжудлиги, рақамли иқтисодиётни жорий этиш	Техник кадрлар салоҳияти юқори эмаслиги, асбоб-ускуналар қийматининг муттасил ошиб бориши
Кучли томонлари	Заиф томонлари	Имкониятлари	Хавфли томонлари
Молиялаш тириш бўйича	Молиялаш тириш бўйича	Молиялаш тириш бўйича	Молиялаш тириш бўйича
Корхона маҳсулоти худудда монопол мавқега эга, маҳсулотга талаб юқорилиги ҳисобига юқори молиявий маблағга эга бўлиши мумкин	Ишлаб чиқариш қувватларидан етарли фойдалана олмаслик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ва молиявий маблағларнинг камайиши, маркетинг стратегияси етарли эмаслиги	Корхонада рақамли иқтисодиётни жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, акциялар учун тўланувчи дивидендларнинг бир қисмини корхонада қолдириш имконияти	Жаҳон ҳўжалигидаги бекарорлик ҳисобига импорт маҳсулотлари нархи ошиши, четдан ёғ маҳсулотлари импорти купайиши ҳисобига маҳсулот реализациясининг камайиш хавфи

3-расм. “Когон ёғ экстракция заводи” АЖнинг ишлаб чиқариш қуввати ва фаолиятини молиялаштиришга таъсир этувчи омилларнинг SWOT таҳлили¹²

Иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналар фаолиятини молиялаштиришда молиявий ресурсларнинг асосий манбаи бўлган ишлаб чиқариш қувватлари орқали молиялаштириш ҳолатининг SWOT таҳлилин амалга ошириш иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиққанда, “Когон ёғ экстракция заводи” АЖнинг ишлаб чиқариш қуввати ва фаолиятини молиялаштиришга таъсир этувчи омилларнинг SWOT таҳлили далолат берадики, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишдаги омилли таҳлилларда корхонада қўшимча имкониятлардан самарали фойдаланиш учун етарлига имкониятлар мавжуд, ўз навбатида, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш корхона фаолиятини бир маромда молиялаштиришга моддий замин бўлиши мумкин.

¹² “Когон ёғ экстракция заводи” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Албатта корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятлари ва молиявий маблағларни бир маромда шаклланишида энергоресурсларнинг аҳамияти жуда каттадир. “Когон ёғ экстракция заводи” АЖнинг энергоресурслар (электр энергияси, газ, сув ва бошқа энергоресурслар) билан тўлик таъминланган бўлиб, энергоресурсларга харажатнинг маҳсулот(хизмат)лар таннархидаги улуши 4-5 %ни ташкил этади.

4-жадвал

Ўзбекистонда давлат иштирокидаги корхоналарда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини жорий этиш ва унинг натижалари¹³

№	Йиллар	Қўлланилиш даражаси											
		Юқори		Етарли		Ўрта		Етарли эмас		Паст		Қониқарс из	
		Сони	%	Сони	%	Сони	%	Сони	%	Сони	%	Сони	%
1.	2019	857	46,3	158	8,5	206	11,1	305	16,5	107	5,8	219	11,8
2.	2020	802	43,0	196	10,5	231	12,4	277	14,9	125	6,7	232	12,5
3.	2021	606	30	128	6,3	156	7,7	191	9,5	65	3,2	871	43,2

4-жадвал маълумотларига кўра, 2019-2021 йилларда давлат иштирокидаги корхоналар томонидан самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини жорий этиш ва унинг натижалари далолат берадики, бу кўрсаткичнинг жорий этилиши қониқарсиз деб баҳоланган корхоналар сони 2019 йилдаги 219 тадан 2021 яқунлари бўйича 652 тага ошиб, 871 тани ташкил қилган, аксинча, паст деб баҳоланган кўрсаткичда эса, ҳолат яхшиланган, яъни 107 тадан 65 тага тушган, худди, шунингдек, қўлланилиши ўрта, яхши ва юқори деб баҳоланганлар сонидан ҳам таҳлил қилинаётган йиллар кесимида камайиш содир бўлган.

Охирги учта кўрсаткични жорий этиш умумий кўрсаткичдаги салмоғининг камайиб бориши, бу борада ҳали етарлича муаммолар мавжудлигидан далолат беради, ҳамда республикаимиз корхоналарида самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари қўлланилиши 5 йиллик тажрибага эга бўлса-да, бу жараённинг амал оширилиш ҳолати қониқарли эмас.

“Кварц” АЖнинг 2021 йил учун корхона самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари корхона ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини аниқлашга хизмат қилган ҳолда асосий самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари йиғинди кўрсаткичи 80,3 бални, қўшимча самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари йиғинди кўрсаткичи 134,7 бални ва ўртача кўрсаткич 107,5 бални ташкил этганлигини кузатиш мумкин. Бу эса, амалдаги

¹³ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги маълумотлари асосида тузилган.
<https://kpi.davaktiv.uz/site/uz/kpi>.

талабларга кўра акциядорлик жамиятининг молиявий фаолияти даражасини яхши деб баҳолашга асос бўлади.

5-жадвал

“Кварц” АЖда 2021 йил учун кўшимча самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари таҳлили¹⁴

№	Кўрсаткичлар	Салмоғи	Прогноз (мақсадли) кўрсаткичи 2020 йил	Ҳақиқий кўрсаткич 2020 йил	Бажарилиш фоизи	СМК
	А	В	С	Д	Е	F=ЕxВ/100
1.	Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти	10	0,68	0,73	93,2	9,3
2.	Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти	8	0,2	0,013	6,6	0,5
3.	Меҳнат унумдорлиги	20	87 423	132 909	152,0	30,4
4.	Фондлар самарадорлиги	15	3,06	5,23	171,0	25,6
5.	Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти	20	1,0	1,0	100,0	20,0
6.	Энергиясамарадорлик (энергияга сарфланган харажатларни маҳсулот таннархига нисбатан)	7	0,23	0,219	104,9	7,3
7.	Ходимлар малакасини ошириш харажатлари, ҳисобда бир ходимга нисбатан	5	12 421	54 736	440,7	22,0
8.	Кадрлар кўнимсизлиги самарадорлиги	5	0,99	0,98	101,0	5,1
9.	Экспорт параметлари кўрсаткичлари бажарилиши (пул оқимларига % да)	10	87,3	125,1	143,3	14,3
	Жами:	100				134,7

Диссертация ишининг учинчи боби “Давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштиришни такомиллаштириш йўналишлари” деб номланган бўлиб, унда давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш ва уларнинг молиявий активларини баҳолашнинг хориж тажрибаси ўрганилган, давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш жараёнида муаммоларнинг мазмун-моҳияти ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари кўрсатиб берилган, бу каби муаммоларнинг ечимлари билан боғлиқ ҳамда мавжуд молиялаштириш жараёнини янада такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

¹⁴ “Кварц” АЖ молиявий кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.



4-расм. Давлат ва унинг иштирокидаги корхоналарни молиялаштиришдаги муаммо йўналишлари¹⁵

Давлат корхоналари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари, ўз ташкилий-ҳуқуқий шакли жиҳатдан умумий тартибга эга бўлсада, аммо, уларнинг фаолиятини молиялаштириш ўзига хос тартибга эга бўлади, унинг молиявий манбалари, маҳсулотларни таннархини аниқлаш, фойда нормаларини белгилаш, давлатнинг молиявий активлари сифатидаги қуйилмалардан олинган даромадлар, дивидендларни тақсимлаш ҳамда тасарруф этиш жиҳатдан анча фарқ қилади.

Келтирилган 4-расм маълумотларида акс эттирилган давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий фаолияти, жумладан молиялаштириш жараёнидаги муаммолардан ташқари яна бир қатор муҳим муаммолар ҳам мавжудки, улар жумласига бу турдаги корхоналарда дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларда молиявий бошқарувни амалга ошириш, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини жорий этиш,

¹⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

корхоналарни молиявий соғломлаштириш йўналишида бир қатор муаммолар уларда молиялаштириш механизмларининг тўлақонли ишлашига тўсқинлик қилиб келмоқда.

Амалга оширилган тадқиқотлар асосида умумий хулосаларнинг мазмуни шундан иборатки, республикада давлат корхоналарини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг шиддатини оширишни тақозо этади. Давлат ва унинг иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш механизмида, муаллифнинг фикрича, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

